

Хорижлик экспортёрлар “Gold agro fresh” МЧЖнинг иссиқхоналар тармоғи билан танишишди



Куни-кеча хабар берганимиздек, “Orient Agro Export” МЧЖ томонидан компания таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш майдонлари, иссиқхона хўжаликлари фаолияти ҳамда инвестиция ва экспорт салоҳияти билан таништириш мақсадида Термиз туманида информацион тур тадбирлари бўлиб ўтди.

Турда иштирок этаётган Германия, Испания, Италия, Қозоғистон, БАА, Уммон, Польша, Россия, Туркия ва Чили каби давлатлардан ташриф буюрган инвесторлар ва экспортёр компаниялар вакиллари куни кеча куннинг иккинчи ярмида “Gold agro fresh” МЧЖнинг туманда жойлашган йирик иссиқхоналар тармоғида гидропоника ва инновацион услубларда маҳсулот етиштириш лойиҳалари билан танишишди.













